



УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ махсус маърузачиси Уюшмага келди



Нуфузли халқаро ташкилотларнинг йилдан-йилга маҳалла тизимига кизкини ортиб бораётти. Юртимизга қайси йирик тузилма вакиллари таъриф буюрмасин, албатта, маҳаллалардаги ўзгаришлар билан танишияпти.

Хусусан, аввалроқ Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Жильбер Унго, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея делегациялари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ислохотлар жараёнини ўз кўзи билан кўрганди. Бу гал халқаро миқёсдаги энг нуфузли ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) вакиллари Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида бўлди. Гап шундаки, Уюшма раиси Қаҳрамон Куронбоев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Муносиб тураржой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришнан Раджагопал бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Давоми 2-саҳифада.

33 йилликка ташаббус:

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ватанмиз Мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Бизнесни ривожлантириш банки ҳамкорлигида ташкил этилган “Маҳалла таракқиёти учун энг яхши бизнес лойиҳа” танлови ҳамда Уюшма ташаббуси билан ўтказилган “33 та энг яхши лойиҳа” танловининг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, биринчи мартаба ташкил этилган “Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!” шиори остидаги 33 та лойиҳа танловида иштирок этиш учун 28 356 та ариза келиб тушди. Республика комиссияси мазкур лойиҳаларнинг ҳар бирини синчковлик билан ўрганди, йўналишга оид тажрибаларни ўзаро солиштирди. Яқунда 33 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ЎЗБЕКИСТОН АКСИ БОР

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ

Ujumiz mustaqilligimiz

Biznesni Rivojlantirish Banki

Mamlakatimiz mustaqilligining 33 yilligi munosabati bilan e'lon qilingan 33 ta loyiha tanlovi hamda “Mahalla taraqqiyoti uchun” eng yaxshi biznes loyihalarning respublika bosqichi g'oliblarini

TAQDIRLASH MAROSIMI

РАҒБАТ



Давоми 2-саҳифада.

ТАНЛОВ

“Энг тоза маҳалла”га электромобиль берилади



Танлов ғолиблари 21 март – Наврўз байрами арафасида муносиб тақдирланади. Ушга кўра, ғолиб бўлган маҳаллаларнинг тегишли жамғармасига чиқинди йиғини майдончаларини қуриши, маҳалладаги ижтимоий объектларга чиқинди контейнерлари ўрнатилиши ҳамда дарахт экиши учун 500 миллион сўмдан пул мукофоти ўтказиб берилди ҳамда хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль топширилади.

2-саҳифада.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХУЖЖАТСИЗ МАШИНА ХАЙДАШ ОҚИВАТИДА

212 НАФАР ШАХС ВАФОТ ЭТГАН

2023 йилда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар руҳсатномаси бўлмайд туриб яна қайтадан рулга ўтиргани натижасида 707 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 212 нафар шахс бу дунёдан кўз юмган. 546 нафар шахс эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган.



6-саҳифада.

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚИМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



Ўзбекистонда ресторан ва кафеларга ўзларига туташ майдонларда ЁЗГИ ТЕРРАСАга рухсат берилади.



Паркентда 23-24 август кунлари “ЎЗУМ САЙЛИ” халқаро фестивали бўлиб ўтади.



Ўзбекистонда ДОИМИЙ АҲОЛИ кунига 1,8 минг кишига кўпайиб, ўтган йилнинг мос даврига қараганда 2,1 фоизга ошган.

КУН САВОЛИ

Ўткир ТҮЛАБЕРДИЕВ.
Янгийул туманидаги “Гулистон” маҳалласи:

– Ёш тадбиркор сифатида Ёшлар санаот ва тадбиркорлик ҳудудидаги бино ва иншоотлардан ижара асосида фойдаланаётган бўлсам, қандай ҳолларда қайтариб олинади?

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БИНО ВА ИНШОТ ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ?



Мадина АМРИЕВА,
Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи:

– Ёшлар санаот ва тадбиркорлик ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш тартибига кўра, ҳудудда ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали ажратилади. Бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкалар буйича белгиланган тартибда ижарага берилади. Ёш тадбиркорнинг инвестиция лойиҳаси Ёшлар санаот ҳудудида жойлаштирилган кундан бошлаб, уч ой давомида лойиҳани амалга ошириш буйича чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, ишлаб чиқариш майдонлари ёки ер майдонларидан уларга доир узоқ муддатли ижара шартномада кўрсатилган мақсаддан ташқари фойдаланилгани аниқланса, ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонлари қайтариб олинади.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТАКЛИФИ

“Ёшлар учун на бирор тўғарак, на ўқув маркази бор”

Раҳимжон ҲУСАНБОВЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Бўстон” маҳалласи ёшлар етакчиси:

– Жорий йил бошида ўтказилган ҳатловда 750 нафар ёш рўйхатга олинган. Ўрганишларда уларнинг 42 нафари ишсиз экани аниқланди. Имтиёзли кредит, субсидия ва ер ажратиш орқали барчасининг бандлиги таъминланди. Яна бир эътиборли жиҳат — ёшлар ўртасида жиноatchилиқдан холи ҳудудмиз. Август ойи бошида туман ҳокимлиги ташаббуси билан универсал спорт майдони қуриб берилди. Бу ерда йигит-қизлар баскетбол, волейбол, футбол билан шуғулланишлари мумкин. Ҳудудда ишлаб чиқариш корхонаси, завод, фабрика йўқлиги

учун ишсизлар бандлигини таъминлашга қийналяпмиз. Бундан ташқари, ёшлар учун на бирор тўғарак, на ўқув маркази бор. Хоҳловчилар “IT”, хорижий тилларни ўрганиш учун 20 км. узоқликдаги туман марказига қатнашга мажбур.

Кейинги пайтда ҳарбий хизматга боришни хоҳловчилар сони ортмоқда. Масалан, жорий йил 7 нафар талабгор аниқланган эди. Уларнинг 4 нафари хизматга юборилиб, 3 нафари қолиб кетди. Таклифим — соғлом талабгорларни ёшлар етакчиси тавсияси билан ҳарбий хизматга қабул қилишда устуворлик берилиши керак.



“Вазифамизни бажаришга вақт топа олмай қоляпмиз”

Жаҳонгир АЛИЕВ,
Зарбдор туманидаги “Андижон” маҳалласи ёшлар етакчиси:

– Маҳалла “драйвер”и — чорвачилик ва деҳқончилик. Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашда шу жиҳатдан самарали фойдаланяпмиз. Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 60 нафар йигит-қизга ер берилди. Уларнинг орасида миграциядан қайтганлар 4 нафарни ташкил этади. Мисол учун Миртемир Жабборов, Аслидин Искандаров, Ҳамза Мустафоқулов, Низом Қаршибоевга 1 гектардан ер ажратилиб, улар ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалламиз туман марказидан 27 км. олисда жойлашган. Ҳудудда спорт иншооти ва ўқув маркази йўқлиги сабабли йигит-қизлар шунча узоқликка қатнамоқда. Ёшларга оид инфратузилма қониқарли даражада эмас. Фаолиятимда ортиқча топшириқлар кўплиги баъзан иш сифатига салбий таъсир этмоқда. Асосан рақамлар билан ишлашимизга тўғри келяпти. Бир вақтда 2-3 та топшириқ берилади. Ҳаммасини тезкор бажариш талаб этилади. Баъзан вазифамизни бажаришга вақт топа олмай қоляпмиз.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” – ИМКОНияТЛАР ДАФТАРИ

“Бўш турган бино КУТУБХОНАга айланти”

Маҳаллада яшовчи Аҳтамбек Фармонов ўқиниш тамомлаб, Россия давлатига ишлаш учун чиқиб кетган. Музофирликда меҳнат қилишининг ўзи осонмас. Хужжатдаги муаммо сабабли ватанга қайтиб келди. У билан суҳбатлашиб, кизикниш ва хоҳишини ўргандим. Субсидия асосида мотокультиватор олиб беришни сўради. Мурожаат тезда ҳал бўлди. Бугунги кунда мотокультиватор ёрдамида аҳоли томоқасига хизмат кўрсатиб, ойна 8-9 миллион сўм даромад тошмоқда.

Давлат ТУРСУНОВ,
Вобкент туманидаги “Бозоржой” маҳалласи ёшлар етакчиси.

“Ёшлар дафтари”да туриб, давлат эътибори ва кўмагидан баҳра олаётган йигит-қизлардан яна бири — Мафтуна Болтаева. Унга субсидия



асосида тикув машинаси ажратилди. Бугун ойнага 3 миллион сўм даромад олмақда. Ишсизлар рўйхатидаги Дилрабо Нуриллаева ҳам имтиёзли кредит ҳисобидан ўзини ўзи банд қилган. Йил бошида ўтказилган ҳатловда рўйхатга олинган 752 нафар ёшларни тоифаларга бўлиб, ёрдан кўрсатяпмиз. Масалан, бугунгача 4 нафар кизил тоифадаги, 3 нафар ишсиз ёшларга зарур кўмак берилди.

“Оғир” тоифадаги ёшларнинг муаммосини бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбир асосида алоҳида ҳисобга олиб бораёпмиз. Хусусан, соғлиғида муаммоси бор, даволанишга муҳтож Дилсора Аминованинг саломатлигини тиклаш учун ордер берилди. Жорий йил бошидан бери 31 нафар ёшнинг ижтимоий химояси ва бошқа йўналишлардаги мурожаатлари буйича муаммоси бартараф этилган бўлса, 6 нафарнинг сўрови ўрганиб чиқилмоқда.

Туман ҳокимлиги кўмағида маҳалла ёшлари учун спорт мажмуаси қуриб берилди. Ёшлар ташаббуси билан очилган кураш тўғарига доимо гавжум. Бундан ташқари, китобхонликни кенг тарғиб этиш мақсадида бўш турган бинони таъмирлаб, кутубхона сифатида қайта ташкил этилди. Шу ўринда ахборот технологиялари ва хорижий тилларга қизиқувчилар учун ўқув марказга эхтиёж борлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

“МЕНГА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИМИ?”

Темур ТЕШАБОВЕВ,
Гулистон тумани:

– “Ёшлар дафтари”да рўйхатда тураман. Инглиз тилини ўрганишга қизиқаман. Аммо ўқув курси учун маблағ йўқ. Айтишларича, “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш буйича ўқиниш харажатларини қоплаш учун маблағ бериларкан. Шу имкониятдан фойдалансам бўлади-ми? Менга субсидия ажратиладими?

Шаҳзод ҚАЙУМОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси:

– Дарҳақиқат, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш буйича олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда ёшлар етакчисининг тавсиясига кўра, “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача субсидия ажратилади. Бунда ариза берувчига “1+1” тамойили асосида бир вақтнинг ўзида замонавий касб ёки ахборот технологиялар ўқув курси билан биргаликда хорижий тил ўқув курсида ўқиниш харажати учун молиявий кўмак берилиши мумкин.

Сиз ҳам бу имкониятдан фойдалана оласиз. Чунки белгиланган маблағ “Ёшлар дафтари”да бўлиб, оила аъзоси “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ижтимоий химоя ягона реестри”га киритилган, ижтимоий химояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга ажратилиши назарда тутилган. Шунингдек, 1 ёки 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, “Меҳрибонлик” ёки, Болалар шаҳарчаси ўки оилавий болалар

га юборди. Етакчи аризани ўрганиб, тавсия ёки рад этиш ҳақида хулоса беради. Агар рад этилса, сабаби асослантирилиши керак. Вазийлик кенгашидан субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг уч иш куни ичида ўқув курси учун белгиланган маблағ ариза берувчининг ўқиганлигини тасдиқловчи ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан нодавлат таълим ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ариза берувчи ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини ҳар ойда қамда бир марта мониторинг қилиб беради. Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланса, ёшлар етакчисининг тақдирномасига асосан субсидия бериш тўхтатилади.





Спорт курашлари бўйича U17 жаҳон чемпионатида ТҮРТ НАФАР полвонимиз бронза медалини қўлга киритди.



Вакилларимиз 8-14 сентябрь кунлари Остона шаҳрида ўтказиладиган «V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари»да қатнашади.



Самарқандда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ мусобақаларига старт берилди.

МАНЗАРА

Оила китобхон бўлса, ажралишга ўрин қолмайди

Яқинда маҳалламизда бир оилани яраштирдик. Ажралиш ёқасига келиб қолгани сабабдан суриштирсак, аёл юқори лавозимда ишлайди, оилда турмуш ўртинга шибганан бошсанг муносабатда бўлиб келган. Бу ҳолат турли келешимовчиликларни келтириб чиқарган...

Дилноза МЕЛИЕВА, Яқкабғ туманидаги "Бунёдкор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

«Бувижонлар мактаби» вакиллари, маҳалла кайвонилари билан бирга оилда бўлди. Улар аёлни инсофга келтириш учун насиҳатлар қилди, ҳаёт сабоқларини эслатиб, оила муқаддас қўрғон экани, аёл киши доимо оилда эридан бир поғона пастда туриши кераклиги, муқаддас даргоҳни бузган саодат топмаслигини бот-бот тушунтиришди. Шукрки, аёл барчасини вақтида англаб етди, ҳозирда уларнинг оиласи тинч. Маҳаллада шунга ўхшаш яна бир жанжал аримайдиغان оила бизни ташвишга солиб келарди. Ахир айтишади-ку: «Бир кун жанжал чиққан уйдан 40 кун барака кетади». Оила боши ҳар кун ичиб келадиган, болалар қўрқувдан дағ-дағ титрайди. Аёлнинг асаблари тамом бўлган. Бу вазиятда аёлнинг рухий ҳолатини тикилаш мақсадида психологларни жалб этдик. Турмуш ўртинини даволатдик, оилани сақлаб қолиш учун барча чораларни қўрдик. Бу билан яна бир оилани ажралишдан сақлаб қолдик.

Умуман олганда, оила-лар билан ишлаш жараёнида юқоридаги каби ҳолатларга кўп дуч келамиз. Маҳалламизда ҳозирда 2 074 нафар аҳолидан 1 393 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. 2024 йилда "Аёллар дафтари"га 120 нафар хотин-қиз киритилди. Уларнинг 23 нафари касб-хунарга ўқитилиб, сертификат олиб берилди. Шу асосда икки нафари, хусусан, Маъмура Аҳмедова ва Дилафрўз Камолова бугун тадбиркорликда бошқаларга ўрнак бўляпти. "Сайхунобод тажрибаси" асосида Маъмура Аҳмедовага 100 млн. сўм кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига тикув цехи ташкил этилди. Бу ерда эркаклар кийимлари ишлаб чиқарилади. Карантки, Маъмура ўзининг меҳнаткашлиги ва ундабуронлиги билан барчани лол қолдириб, қисқа вақт ичида "Аёллар дафтари"га кирган 54 нафар аёлни иш билан таъминлади. Дилафрўз Камоловага 22 млн. сўмга мини-печ олиб берилган. Тез орада у пиширик тайёрлаб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Ҳозирда бу маҳалладошимиз ижтимоий ҳолати оғир бўлган 5 нафар аёлни ишли қилган. Ногиронлиги бор қизлари-



Оилаларнинг кўпроқ маънавий онгини ўстириш лозим. Бунинг учун ҳар бир уйда китобхонликни тарғиб этиш зарур. Чунки китоб ўқиган инсондан ёмонлик чиқмайди. Ажралишларнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири — айнан маънавий етуқликнинг пастлиги деб биламан.

эгаллаши учун касб-хунарга ўқитиш фикрини билдирганимда, қизнинг қўзғолида ҳаётга яна бир қизиқиш уйғонди. Тикувчилик маҳоратини эгаллаганидан сўнг унга субсидия асосида замонавий тикув машиналари совға қилдик. Уйда аёллар кийимини тикиб, сотувга чиқаряпти. Қўриб турганингиздек, агар аёлларга озгина имконият берилса, улар жамиятда ўз ўрнини топиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда айрим тақлифларни баён этсам. Оилаларнинг кўпроқ маънавий онгини ўстириш лозим. Бунинг

учун ҳар бир уйда китобхонликни тарғиб этиш зарур. Чунки китоб ўқиган инсондан ёмонлик чиқмайди. Ажралишларнинг кўпайишига асосий сабаблардан бири — айнан маънавий етуқликнинг пастлиги деб биламан. Олдинга шикоят билан келган аёлларнинг қўлига оила тўғрисида яхши китобларни тутқазинга ҳаракат қиламан. Шу маънода, ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этилса, оилалар китоб ўқишга қорланса, албатта, оилада уруш-жанжаллар камаяди. Қолаверса, ота-онага қўшилиб, болалар ҳам китоб ўқийди. Маънавий комилликка етишади.

миздан бири — Саодат Пардаева жуда истеъодли бўлиб, унинг ўқиши ва хунаргани учун имкони йўқ эди. У билан суҳбатда ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам

ТАЖРИБА

Салоҳиятли инсонлар сафи кенгайса дейман...

Маҳаллам — мен учун азиз маскан, улуг даргоҳ! Унинг келажакга норлок, фуқаролари бахтли саодатли, худди жиноятчилардан холи, ёшлари баркамол бўлишини истайман.

Сайёра ҚОДИРОВА, Яшнобод туманидаги "Бешарик" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бунинг учун эса аввало, фуқароларнинг дунёқараши ўзгариб, ўқимишли хотин-қизлар сафи ортиши, оилаларда нисолар камайиши ва аҳоли бандлик даражаси ошиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳамиша аёллар ўртасида олиб бораётган тарғибот ишларимда бугун уларга яратилаётган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини етказиб, таълим кредити, боқувчисини йўқотган хотин-қизлар учун ажратилган квоталар ҳақида тушунтираман.

Бу йил ушбу имтиёزلардан фойдаланиб, бир нафар қиз тавсиянома билан олийгоҳга грант асосида ўқишга қабул қилинди. Беш нафар хотин-қизлар шартнома асосида талаба бўлишди, уларга тўловларини амалга оширишда имкон қадар кўмаклашамиз, албатта. 49 нафар ишсиз дея топилган аёллар ҳозирда касб-хунарга, тадбиркорликка ўқитилиб, бандлиги таъминланмоқда. Тажрибали тикувчи, бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаётган Шоҳида опа Иброҳимова эса "Халқ банк"нинг Яшнобод туман филиалидан 100 миллион сўмлик кредит олиб, фаолиятини кенгайтди. Беш нафар аёлни иш билан таъминлади. Маҳалламиз "драйвери" хизмат кўрсатиш соҳаси бўлгани учун Гузал Узоқова, Махлиё Асадова, Назира Буронова каби тикувчи хотин-қизларнинг бири кредит олиб, яна бошқаси тадбиркорликка ўқиб,



Фаолиятини кенгайтиришга интиломда. Маҳалламизнинг саховатпеша тадбиркор аёли Гулсал Авазбоева



доим кексаларни, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда бизга кўмакчи.

Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, сийсий ва маърифий фаоллигини оширишда "Оқила аёллар" ҳаракати етакчилари Олмосхон опа Қўзибекова, Матлуба опа Тоҳирова, Саноат опа Раҳматуллоева ҳамда Муяссар опа Абдуқодирова ҳаммиша бизга елкадош, маслаҳатгўй. Идорамизда инглиз тили ва компютер технологиялари курси имтиёзли нарҳда ташкил этилган. Дарсларни ёш ва билимли Нигора Файзуллоева олиб бормоқда. У яқинда туманимиздаги Ипотека банкидан ўқув хонасини жихозлаш учун имтиёзли кредит олишга мушарраф бўлди. Мен келгусида ана шундай салоҳиятли ёшлар сафи кенгайиб, маҳалламиздан чемпионлар, билимдонлар етишиб чиқишини хохлайман.

Тўлиқсиз иш вақти кимларга белгиланади?

Конунчиликка қўра, уч ёшга тўлмаган боланинг бюжет ташкилотларда ишлаётган оилаларга ҳафтада 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади ва бу ерда иш ҳақи камайтрилмайди.



Иш берувчи хомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боланинг (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) онасининг илтимосига қўра, тиббий ҳулоса асосида тўлиқсиз иш вақтини белгилаш шарт. 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган онага ойига қўшимча бир дам олиш кун берилиб, давлат ижтимоий суурта маблағлари ҳисобидан шу вақт учун бир кунлик иш ҳақи миқдоридан нафақа тўланади.

Билиб қўйинг!



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАНАЛЛА DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буёқ Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 6 180 нускада чоп этилди. Буюртма №: Г-820



Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТӨРОВ

Дизайнер: Абдулазиз АХМЕДОВ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида соғилди.